
Аҳоли мурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда.

Жойларда сектор раҳбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хусусан Қува тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Халимжон Умаров томонидан фуқаролар иштирокида ўтказилган қабуллар давомида келиб тушаётган мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб қисқа муддатларда ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан аҳоли томонидан электр таъминотини яхшилаш, янги бетон таянч устунлар ўрнатиш масаласида қилган мурожаатларига асосан туман ҳокимлиги томонидан Янгихаёт МФЙга 15 та, Деҳқонобод МФЙга 7 та, Сойгузар МФЙга 8 та бетон таянч устунлар ажратилиб, ҳозирда туман электр тармоқлари корхонаси томонидан ишлар амалга оширилмоқда.

2023-08-16 08:59:53